НИЯТ ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ БИР

...Қонунда оппозициянга ҳуқуқий мақом берилди. Оппозициянинг мавжудлиги қонунчилик жараёнини бир қаришда бироз мураккаблаштиргандай кўринади. Аслида ундан барча фойда кўради, холос. 3 бет

ИФФАТ

...Менга яқинлашманг, бўлмаса ўзимни ташлавораман деса жўрттага айтяпти, деган хаёлга борибман... – Ўзингга ўхшатгансан, ҳаром-хариш фахмлагансан-да! Бефаросат бўлмасанг, унақалардан эмаслигини сезардинг... 9 бет

БИР КЕЧАЛИК КЕЛИН

...тарбиясиз бир қиз туфайли кунини зўрга кўриб юрган оила хонавайрон бўлди. Бир йигитнинг кўнгли синди. Сарф-харажатлар бехуда кетди... Хўш, бунга ким айбдор? 10 бет

БОЛАЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Инсон ҳаётининг асл маъноси – ўзидан қобил фарзандлар қолдириш, уларни жисмоний, маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш экан, миллат олдида бунда-да масъулиятли вазифа бўлиши мумкин эмас. 11 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 31-may, № 22 (543)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

25 май. Бу сана ҳар бир инсоннинг ҳаётида унутилмас кун сифатида қолади. Чунки бу кун сўнгги қўнғироқ чалиниб, қадрдон мактаб билан ҳайрлашилади. Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи жамоаси учун ҳам шу йилнинг 25 май куни қувончли лаҳзаларга айланди. Бино тўлиқ капитал реконструкция қилиниб, 422 млн. 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Қайта таъмирлашдаги барча ишлар Республика Бош прокуратураси раҳбарияти назоратида бўлди.

Кўнгиллар меҳрдан ёришди

— Бу халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида бу ерда тарбияланаётганларга муносиб совға бўлди, — деди вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Мусо Анорбоев тантанали йиғилишни очар экан. — 145 ўринга мўлжалланган «Меҳрибонлик уйи»да ҳозирда 110 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Савоб ишга бош қўшган барча юртдошларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

— Кўриб турганимиздек, бу ерда фарзандларимизнинг яхши инсон бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар яратилган, — деди тантанада сўзга чиққан Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Толибжон Умаров. — Мен ўғил-қизларимизга уйингиз муборак бўлсин дейман. Дам олиш, турли тўгараклар, компьютер хоналари, ошхона, 5100 китоб фондига эга бўлган кутубхона сизларнинг ихтиёрингизда.

— Бундай учрашувда ҳаяжонсиз сўзлаш мумкин эмас, — дейди тантанада сўз олган Республика Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев. 2004-2009 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ шу кунгача мамлакатимизда янгитдан қурилган, капитал реконструкция қилиниб таъмирланган мактаблар 3061 тага етди. Ҳомийлар ва хайрия ташкилотлар томонидан қўшимча 380 та мактаб қурилганлиги ва таъмирланганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳар йили мамлакатимиз бюджетининг 50 фоизга яқини таълимни ривожлантиришга сарфланаётганлиги таҳсинга сазовордир.

— «Меҳрибонлик уйи»ни қайта таъмирлашда «Мерос» кўп тармоқли хусусий фирмаси 422 млн. 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Саховатпеша инсонлар ёрдамини аямади, — деди Жиззах вилояти прокурори Пўлат Бобожонов. — Меҳр-мурувват кўрсатган инсонларни Аллоҳ ҳам қўллайди. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳомий ташкилотларга биз ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Капитал реконструкция қилинган мазкур меҳрибонлик уйига Халқ таълими вазирлиги 142 млн. сўмлик турли жиҳозлар ажратди.

Тантанада таълим-тарбиядаги самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ «Меҳрибонлик уйи» ўқитувчи ва тарбиячиларига «Халқ таълими аълочиси», Қурилиш ишларида фидойилик кўрсатган қурувчиларга «Таълим фидойиси» кўкрак нишони топширилди. Халқимизнинг азалий удумига асосан тўй кийдирилди. Тадбирда «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Умринисо Ҳамроқулова, меҳнат фахрийси Баҳром Эшонқулов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Шундан сўнг алвон лента қирқилиб, қурувчилар бинонинг рамзий калитини «Меҳрибонлик уйи» раҳбариятига топширди. Меҳмонлар бу ерда тарбияланувчилар учун яратилган шароит билан танишдилар. Учрашув сўнгида саховатпеша ташкилотчилар «Меҳрибонлик уйи»га эсдалик совғалари топширишди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Huquq» мухбири

Хабар

Доимий эътибор

2007 йил 29 майда Республика Бош прокуратурасида Бош прокурор, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Рашитжон Қодиров бошчилигида мазкур комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш аҳволи муҳокама қилинди.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикасида ақли заиф ҳамда кар ва заиф эшитувчи болаларга мўлжалланган 3 ва 4-сонли махсус мактаб-интернатларнинг янги бинолари барпо этилганлиги, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг 10-сонли мактаб-интернати биносининг капитал реконструкция қилинганлиги, мазкур таълим муассасаларининг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланганлиги, шулар билан биргаликда Нукус шаҳрида «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Маркази»нинг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган янги биноси фойдаланишга топширилганлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилди.

Булардан ташқари йиғилишда, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш самарадорлигини ошириш, улар учун мослашувчан таълим тизимини яратиш, оила шароитида тарбияланаётган ногирон болаларнинг ижтимоий интеграциясини таъминлаш, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилаларга жойлаштиришнинг янги шаклларини ривожлантириш таъкидланди.

Мажлисда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ота-она қарамоғисиз қолган ва етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича Республика Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Хаитовларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мажлисда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари С.Инамова иштирок этди.

Республика Бош прокуратураси матбуот хизмати

Хабар

Ижтимоий ҳимоя

Фарғона санъат коллежида вилоят прокуратурасининг «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, бошқа ижтимоий ҳимояга оид қонунлар ижроси ҳамда етим болалар, ногиронлар, қариялларнинг вилоятдаги саховат уйларида, Марғилон «Меҳрибонлик уйи»да ўтказилган текширишлар якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Ў.Абдурасуловнинг шу хусусдаги ахбороти тингланди.

Қонунбузилишга йўл қўйган Меҳнат бандлиги, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, тизимдаги «Мурувват» ва «Саховат» уйлари, таалуқли идораларнинг раҳбарлари пенсия таъминоти, ногиронликни белгилаш, ногиронлар, ёлғиз қариялар таъминотидаги қонунбузилишлар ва уларни бартараф этиш хусусида изоҳ беришди.

Йиғилишда вилоят прокурори ўринбосари М.Қурбонов иштирок этиб, кун тартибига қўйилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq» мухбири

Ахборот

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда фош этилмаган қасддан одам ўлдириш жиноятлари юзасидан дастлабки тергов, тезкор-излов ҳамда бу борадаги прокурорлик назорати аҳволи, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарори ижроси ва мажбурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш амалиёти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш жиноятларига қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасида кўрилган чоралар натижасида бу тоифадаги жиноятларнинг сони бирмунча камайиб, уларни фош этиш аҳволи яхшиланганлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ушбу жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув имкониятларидан самарали фойдаланиш, тергов ҳаракатларини ҳар томонлама, тўлиқ олиб борилишини таъминлаш, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашуви жараёнини янада такомиллаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ҳамда мажбурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш амалиёти аҳволи муҳокама қилиниб, бу борада жамоатчилик билан ҳамкорликда қатор тушунтириш ва профилактика тадбирлари амалга оширилганлиги қайд этилди.

Айни пайтда, мазкур масалага оид қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда ҳамда прокурор назоратини олиб бориш борасида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кескин танқид остига олинди.

Маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаш ҳамда жазонинг муқаррарлиги борасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда қатнашган вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги органларининг масъул ходимларига тушунтиришлар берилди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳалардаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Ботир ЙИГИТАЛИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ФИРИБГАРЛАР

Сўнгги пайтларда одамлар ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик орқасидан мўмай пул топиш йўлига ўтиб олганлар ва уларнинг тузоғига тушганлар ҳақида тез-тез эшитамиз. Аслида фирибгарлик жинояти ҳамма замонларда ҳам бўлган. Аммо бугунги тезкор замонамизда уларнинг сони ортиб, фаолияти кенгайгандай кўринади.

Ҳамшаҳарларимиз Нурнаби Акперова, Тавфиқ Ҳотамов, Маҳфузахон Усмоноваларни ҳам кўринишидан биров фирибгар демаса керак. Аммо фириб санъатида улар анча мунчасига дарс берар экан. Жиноий тил бириктирган бу «учлик» фуқароларни алдаб, кўп миқдордаги пулларини ўзлаштириб келишган.

Жумладан, улар самарқандлик М.Негмаджонова ва унинг ўғли Д.Негмаджоновларни «шенген» визаси асосида хорижга жўнатиб юборишни ваъда қилишиб, 16 минг АҚШ долларини алдаб олишади. Фирибгарлар тузоғига тушган она-бола Негмаджоновлар алдарганларини англаб етганларида эса «учлик» бу пулларни аллақачон ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган эди.

Бундан ташқари Н.Акперова, Т.Ҳотамов ва М.Усмоновалар тошкентлик Ф.Рўзимуҳаммедовани ҳам худди шу усулда алдаб 8000 АҚШ долларини ўзлаштириб юборишган. Жабрланувчининг қатъий талаби билан пулнинг 4500 АҚШ долларини қайтариб бериб, қолганини эса ўзаро тақсимлаб олишган.

Ана шундай мўмай пуллардан «илҳомланган» фирибгарлар бундандa каттароқ ишларга киришадилар. Улар М.Ҳайдарова ва унинг жиянини ҳар бир виза учун 20000 доллардан олиб «АҚШга жўнатиш» режасини ишлаб чиқадилар. Аммо уларнинг бу режаси амалга ошмай қолади.

Яъни, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари навбатдаги фирибгарликни амалга ошираётган пайтда ИИБ тезкор ходимлари томонидан далилий ашёлар билан қўлга олинади.

Жиноят жазосиз қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан фирибгарлар Н.Акперова 7 йилга, Т.Ҳотамов ва М.Усмоновалар 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, улар ҳисобидан жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш ҳам белгилаб қўйилди.

Бир қараганда туппа-тузук, рисоладагидай одам кўринган узоқ-яқин танишингизнинг фирибгарликни касб қилиб олгани ва исталган пайтда сизни чув тушуриб кетиши мумкинлиги хаёлингизга ҳам келмайди. Аммо...

Нима бўлганда ҳам ҳар қандай ҳолатда эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Айтишади-ку «кўшнингни ўғри тутма, ўзингга эҳтиёт бўл» деб.

Акмал ҲАМРОҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Инсонийлик бурчимиз

Бугунги кунда Беруний туманида ўрта мактаблар сони 70 та бўлиб, уларда 32 минг 200 та бола таълим-тарбия олиб келмоқда. Шу жумладан, туманда аҳлий ривожланишда ортда қолган ўқувчилар учун 49, 63, 64, 65-ўрта мактабларда ёрдамчи синфлар ташкил қилинган бўлиб, 52 нафар болага мутахассис-ўқитувчилар таълим-тарбия беришади.

Туманда ўқишга қобилияти бор, аммо мактабга бориш имкони йўқ бўлган 38 нафар болани тиббий консультация комиссияси хулосасига мувофиқ уй шароитида ўқитиш ишлари ташкил қилиниб, уларга 87 нафар ўқитувчи бириктирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409, 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорига асосан Беруний тумани Халқ таълими бўлимига қарашли ўрта мактабларнинг 1-9-синфида таълим олувчи кам таъминланган оила фарзандларидан 5047 нафарига 113 млн. 857 минг 265 сўмлик қишки кийим-кечак тарқатилган. Туманда рўйхатга олинган 795 нафар ногирон, кам таъминланган оила фарзандлари бўлмиш 80 нафар ўқувчига 1 млн. 723 минг 200 сўмлик қишки кийим-кечаклар берилган. Хўш бу ишларни амалга оширишда қонун-қоидага тўлиқ риоя қилинаяптими?

Беруний туман прокуратураси туман халқ таълими бўлимида жисмоний ривожланишда нуқсони бўлган ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга кирадиган болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга таълим-тарбия бериш, соғлиғини муҳофаза қилиш аҳволи юзасидан текшириш ўтказганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, шаҳардаги 64-ўрта мактаб атрофи кўздан кечирилганда санитария ҳолати талабга жавоб бермаслиги, кундалик тозалаш ишлари олиб борилмаганлиги, поллари таъмирталаб ҳолга келиб қолганлиги маълум бўлди. Ўрта мактабда 1 та ёрдамчи синф бўлиб, рўйхат бўйича 10 нафар бола ўқиши белгиланган. Мониторинг ўтказилган куни соат 11^{00}-12^{00}лар бўлиб қолганига қарамай ёрдамчи синф ўқувчилари ҳалиям келмаган. Синф журнали эса 2006 йил декабрь ойидан буёғига юргизилмаган. Бу каби камчиликлар тумандаги 73-ўрта мактабда ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, мактабга қарашли Юнус Ражабий кўчаси 14-уйда яшовчи Жанар Бийимбетованинг уй шароитида ўқитилишини кўрганимизда, у ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланмаганлиги аниқланди. Шундай болалардан Гулшан Мадиёровани ўқитиш 17-ўрта мактабга юклатилган. Аммо 2007 йил 9 март куни бориб кўрганимизда 5 март кунидан буёғига уни ўқитиш учун бириктирилган ўқитувчи умуман келмаганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, туман марказий касалхонасида ўтказилган мониторинг текширишда ҳам бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Хусусан, касалхонада туман бўйича 795 нафар ногирон болалар рўйхатга олинган. Шулардан 573 нафар бола стационар, 217 нафар бола поликлиника ва 5 нафар бола санаторий-курорт шароитида соғломлаштирилган.

16 ёшгача бўлган болаларнинг рўйхати бўйича тиббий хулосаларини, яъни тиббий варақасини ўрганиш мақсадида «Қиёт-обод» ДФХУ 10-бригадасида яшовчи Жамолиддин Қўзиев, 1-бригадасида яшовчи Ўлмасхон Аширбоевларнинг уйларига борилганда даволовчи врачлар ўз вақтида хабар олмаслиги ва улар томонидан ҳеч қандай ёрдам берилмаганлиги маълум бўлди.

Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан туман ХТБ мудири Нурилла Рўзимов ва туман марказий касалхонаси бош врачи вазифасини бажарувчи Роза Болтабоевалар номига тақдимнома келтирилди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни хоҳлардим. Тақдир тақозоси билан ногирон туғилган ёки кейинчалик ногирон бўлиб қолган юртдошларимиз учун давлатимиз томонидан кўпгина имтиёзлар берилган. Уларнинг соғлиғини тиклаши, ижтимоий ҳаётга мослашиши, таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун катта имкониятлар яратилган. Мана шу ишларга масъул этиб тайинланган шахслар вазифасига мажбурият эмас, бурч нуқтаи назаридан ёндошсалар нур устига нур бўлур эди. Зеро, инсонийлик, юртдошлик бурчимиз барчамиздан шуни талаб қилади.

М.АЙМАНОВ,
Беруний туман прокурори

Фермерлик ҳавас эмас

Бугун фермер хўжаликлари мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутаётганига барчамиз гувоҳмиз. Буни кейинги йилларда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси дейишимиз мумкин.

Республика Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинганидан сўнг, қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш чора-талбирлари кучайтирилди. Бу борада Урганч туман прокуратураси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тумандаги фермер хўжаликлари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, юзлаб фермерларимиз ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлиб келишмоқда. Шунинг билан бир қаторда ишга лоқайд бўлиш, шартномавий мажбуриятларга масъулиятсизлик билан қараш каби иллатлардан воз кечолмаган фермерлар ҳам учраб турибди.

Белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган 91 та фермер хўжаликларига қарашли 1340,7 гектар ерни қайтариб олиш ва ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судларига даъво аризалари киритилди. Бу ер майдонлари қайта танловга қўйилиб, тажрибали, уддабурон фермерларга берилиши таъминланди. Таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда банк кредитларидан бўлган қарздорликнинг бир қисми ихтиёрий равишда қопланган бўлса, асосий қисми суд орқали ундирилди.

Жойларда шартнома интизоми билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларини бузиб, ғалла топшириш режасини бажармаган фермерлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш натижасида 85,1 тонна буғдой натурада ва 1447,7 минг сўм пул шаклида ихтиёрий равишда ундирилди. Хўжалик судига киритилган 5758,6 минг сўмлик 10 та даъво аризалари тўлиқ қаноатлантирилди.

Шартнома режаларини бажармаган фермер хўжаликларининг кейинги йиллардаги фаолияти ўрганилиб, тўпланган материаллар асосида ерни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва фермер хўжалигини тугатиш юзасидан хўжалик судига даъво аризалари киритиш амалиёти қўлланилмоқда. Турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйган фермер хўжаликлари раҳбарларининг жавобгарлиги масаласи қонун доирасида ҳал этилмоқда.

Тумандаги «Аҳмаджон инженер» фермер хўжалиги тайёрлов корхонаси билан давлат эҳтиёжлари учун 30 тонна пахта хом ашёси етказиб бериш тўғрисида шартнома тузади. Лекин фермер хўжалиги раҳбари шартнома ижроси учун масъул эканини унутиб қўяди. Пахта етиштириш учун берилган имтиёзли банк кредити, уруғлик, минерал ўғит ва нефть маҳсулотларини талон-тарож қилиш йўли билан ўзлаштиради. Хўжалик раҳбари Б.Матқурбоновга нисбатан ЖК нинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Худди шунингдек, жиноий ҳаракатларни содир этган «Музаффар Мирзо», «Сотимбой Эшон» ва «Дўстлик юлдузи» хўжаликлари раҳбарлари ҳам қонуний жазога тортилдилар.

Бу каби фермерлар сафига тасодифан адашиб кириб қолган, фермерликни ҳавас деб билган, замон талаблари даражасида фаолият юритиш уқувига эга бўлмаганлар табиий равишда ўз ўринларини юрт манфаатини қадрлаб манфаат топадиган уддабурон фермерларга бўшатиб беришмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, туманда бу йилги ҳосилни етиштириш учун фермерларга барча шарт-шароитлар ҳозирланган. Банк кредитлари вақтида ажратилаяпти. Минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари дала бошига етказиб берилмоқда. Йил давомида зарур бўладиган минерал ўғит ва нефть маҳсулотларининг етарли заҳираси яратилган.

Пахта етиштириш учун шўр ювиш, ерни ҳайдаш, экиш ва экинга агротехника тадбирлари асосида муддатида сифатли ишлов беришдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олиш, ҳосил учун ҳисоб-китоб жараёнлари тўлиқ прокуратура назоратида бўлиб, йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмоқда.

Таъминотчи, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фермерга яқин елкадош бўлаётгани, фермерларда ишга жиддий масъулият билан ёндошиш кўникмаси шакланиб бораётгани шунга асос бўлиб хизмат қилади.

Шавкат ФОЗИЛОВ,
Урганч туман прокуроринг катта ёрдамчиси

ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ЮРТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда футболни янада ривожлантириш, айниқса, болалар спортига бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида ҳар йили кўплаб замонавий стадионлар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Бу эса қобилиятли ёшларни спортга жалб қилиш, келгусида улардан етук футболчилар етиштириб чиқариш имконини бермоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича жойларда қатор ишлар амалга оширилаётганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Мазкур қарорга асосан, 9 дан 16 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирлари ўртасида футбол бўйича анъанавий «Футболимиз келажаги» республика кубоги турнири мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Қарор ижроси прокуратура органлари томонидан доимий назоратга олинибгина қолмасдан, прокуратураларнинг ўзи уни ҳаётга татбиқ этиш борасида ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Жумладан, яқинда Бўка туман прокуратурасининг ташаббуси билан тумандаги умумтаълим мактаблари ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида футбол бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Кейинги йилларда мазкур масалада қатор ибратли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, лекин болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларнинг паст савияда ташкил этилаётганлиги, айрим минтақаларда эса ушбу вазифаларни бажаришдан ўзини четга олишлар ва бунга айрим масъул шахслар томонидан етарлича эътибор берилмаётганлиги кузатилмоқда.

Шу боисдан, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда жойларда футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатишлари, спортнинг ушбу тури бўйича мусобақаларни ташкил этишлари, унинг қизиқарли ўтказилишида жонбозлик кўрсатишлари ҳамда унинг оммавийлик даражасини оширишлари лозим бўлади. Бу биринчидан, болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини уйготса, иккинчидан, давлатимизнинг равнақига ҳисса қўшадиган соғлом авлод бунёдга келишига ва халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори малакали футболчилар етишиб чиқишига замин яратилади.

Наврўз РАҲИМОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

«Nidoq»qa javob keldi

ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

Собир Раҳимов туманидаги Қора-қамиш 1/2 даҳаси, 16-уйда истиқомат қилувчи фуқароларнинг таҳририятга йўллаган шикоятида «Файз-баракат» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг собиқ раиси Д.Убайдуллаевнинг қилмиши, яъни электр шитини янгилаш учун йиғилган катта миқдордаги пулни ўзлаштириб юборгани ҳақида арз қилинган эди.

Аниқланишича, — дейди Собир Раҳимов тумани прокурори К.Таджиқулов, — Д.Убайдуллаевнинг жиноята, 16-уйнинг электр шити ва бошқа жиҳозларни қайтадан алмаштирилиши натижасида ширкат томонидан 325 минг 650 сўмлик қўшимча харажат қилинган. Собиқ раис томонидан ширкатга жами 600 минг 650 сўм моддий зарар етказилганлиги ҳужжатлар асосида ўз тасдиғини топди.

Шу боис туман прокуратураси томонидан «Файз-баракат» ширкати ва аҳоли манфаатларини кўзлаб, Д.Убайдуллаевдан юқорида келтирилган суммани ундириш тўғрисида судга даъво аризаси киритилди.

ЁРДАМ БЕРИШГА КЕЛИШИЛДИ

«Отам Тўраев Бобожон қизилўнгач ракига учраб, январ ойида оламдан ўтди. У киши 1972 йилдан бери Қамаши туман ХТБда турли лавозимларда ишлаб келди. Аммо, касаллик даврида ҳам, вафотидан кейин ҳам иш жойидан ҳеч қандай моддий ёрдам берилмади.»

Фуқаро Феруза Норқобилованинг таҳририятга йўллаган аризаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгаши томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва ҳақиқатан ҳам Ф.Норқобилованинг отаси марҳум Б.Тўраев вафот этганда у ишлаган 69-сонли мактаб маъмурияти томонидан дафн маросими учун нафақа пули тўланмаганлиги аниқланди.

Туман халқ таълими бўлими марказий ҳисобхонаси томонидан 2007 йил 26 мартдаги № 2-сонли касса харажат рухсатномаси орқали марҳумнинг турмуш ўртоғи З.Раҳмоновага энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида нафақа пули олиб берилди.

Шунингдек, туман кенгаши ва 69-сонли умумий ўрта таълим мактаб директор жамғармаси ҳисобидан марҳумнинг оиласига ёрдам кўрсатиш келишиб олинди.

Э.РАЖАБОВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси

«ҲАҚИҚАТ УСТУНМИ ЁКИ МАНФААТ?»

Газетамизнинг 2007 йил 12 апрел санаси № 15 сонида фуқаро Ю. Раҳимовнинг «Ҳақиқат устунми ёки манфаат?» номли мақдатлаб мактуби эълон қилинган эди. Мақолада Денов туманидаги «Бободеҳқон бозори» ОТАЖ да содир бўлаётган қонунбузилишлар ва талон-тарожликлар ҳақида гап кетган эди. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзасидан қонуний чора кўриш эса мутасадди идоралар диққатига ҳавола этилганди.

Аниқланишича, «Бободеҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 24 кв.м., фойдаланиш майдони 16.64 кв.м. бўлган савдо дўкони 2006 йил 31 октябрда фуқаро Тўраев Алишерга, ушбу ҳудудда жойлашган умумий ер майдони 24 кв. м. бўлган савдо дўкони 2006 йил 31 октябрда фуқаро Алимардонов Зиядуллага, «Бободеҳқон бозори» очиқ турдаги акциядорлик жамияти балансидаги Ш.Рашидов кўчаси ёқасида жойлашган умумий ер майдони 150 кв.м. бўлган бозорнинг савдо шахобчаси 2006 йил 19 сентябрда «Балхин» санаторийсига, «Бободеҳқон бозори» ОТАЖга қарашли Денов шаҳар «Гулистон» мавзесида жойлашган умумий ер майдони 312 кв.м. бўлган бозорнинг савдо шахобчаси фуқаро Баратов Фарҳодга 2006 йил 26 сентябрда, бозор ҳудудидаги ошхона Денов туманидаги «Бахриддин» фермер хўжалигига 2006 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси кўп тармоқли Агросаноат биржаси Сурхондарё вилоят филиали томонидан ўтказилган электрон-биржа савдосида туман ҳокимлиги, «Бободеҳқон бозори» очиқ турдаги акциядорлик жамияти умумий йиғилиши ёки Кузатув Кенгашининг тегишли қарорлари чиқарилмасдан, акциядорлар розилигисиз сохта ҳужжатлар асосида сотиб юборилган.

Шунингдек, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган мониторингда аниқланишича, туман ҳокими томонидан қонунсиз равишда бозор ҳудудида қурилишларни амалга оширишга рухсат бериш ҳақида қарорлар чиқарилган.

Хусусан, бозор ҳудудида фуқаро Сатторов Жаббор томонидан «Савдо маркази» қурилиши 2006 йилда бошланган. Ушбу объект қурилиши учун Денов тумани ҳокимининг 2006 йил 12 июлдаги 785-сонли қарори Ер кодексининг 23-моддаси талабларига зид равишда акциядорлар розилиги олинмасдан чиқарилган.

Юқоридаги аниқланган қонуннинг бузилиши ҳолатлари юзасидан вилоят прокуратураси томонидан 2007 йил 26 апрелда Денов тумани ҳокимлигининг фуқаро Сатторов Жабборга «Бободеҳқон бозори» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳудудидан темир конструкцияли «Савдо маркази» қурилиши учун 400 кв.метр ер майдони ажратиш ва қурилишига рухсат бериш ҳақидаги 2006 йил 12 июлдаги 785-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида протест келтирилди. Денов тумани ҳокимлиги ва «Бободеҳқон бозори» очиқ турдаги акциядорлик жамияти масъул мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 208-моддаси, 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Мақолада баён этилган бошқа ҳолатлар мазкур жиноят ишининг тергови жараёнида ўрганилиб, натижаси юзасидан қонуний тўхтамга келинади.

Б.ЭРГАШЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Ниятларимиз бир

Мамлакатимизда икки палатали парламент иш бошлаганига уч йил бўлаяпти. Янги парламентнинг ўтган даврдаги иш тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам қонунлар қабул қилишда доимий фаолият кўрсатувчи парламентнинг самараси юқори эканлиги тасдиқланмоқда. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида қонунларни яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёни қандай кечади?

Шу ҳақда билиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар ШУКУРОВГА бир нечта савол билан мурожаат қилдик.

— Анвар Йўлдошевич, ёш мустақил мамлакатимиз қонунларининг яратилиш жараёни ҳақида сўзлаб бersангиз?

— Ўқувчилар тасаввур ҳосил қилиши учун қуйидагича мисол келтирсам: қонун лойиҳалари дастлабқонун ташаббускорларидан, дейлик, Вазирлар Маҳкамасидан Қонунчилик палатаси девонхонасига келиб тушади. Кейин улар ўз соҳалари бўйича тегишли 10 та қўмитадан бирига берилади. Масалан, қонун лойиҳаси бизнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитамизга берилса, қўмита аъзолари, депутатлар тегишинча биз билан ҳамкорликда ишлайдиган вазирликлар — Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Миллий Хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари ва Божхона қўмиталарининг масъул ходимлари, холис экспертлар иштирокида муҳокама қиламиз. Кейин биринчи ўқишда қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган лойиҳа матни тайёрланади ҳамда депутатлар, таржима ва юридик бўлимга тарқатилади.

Сўнгра улар мамлакатимизда мавжуд бешта партия фракцияларида муҳокама қилинади. Шундан сўнг Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишига олиб чиқилади. Бу ерда 120 нафар депутат қонунни уч марта муҳокама қилади. Биринчи ўқишда мазкур қонун жамият учун зарур ёки зарур эмаслиги муҳокама қилинади. Қонунлар биринчи ўқишдан қайтган ҳолатлари ҳам учрайди. Иккинчи ўқишда қонунлар моддама-модда муҳокама қилинади. Биринчи ўқиш билан иккинчи ўқиш орасида қўмиталар турли семинарлар ташкил қилади. Унда чет эллик мутахассислар, республикамиздаги эксперт-лар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этадилар.

Қонунлар иккинчи ўқишда кўпчилик, яъни депутатлар сонининг ярмидан кўп овозини олса, учинчи ўқишда ҳам яна бир марта муҳокама қилинади. Агар учинчи ўқишда ҳам умумий депутатлар сонининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берса қонун лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади ва Сенатга тасдиқ учун юборилади.

Баъзи бир қонун лойиҳаларини бир марта ўқишнинг ўзида бирата ўла уч ўқиш деб депутатлар овоз беришлари мумкин. Асосан булар — ҳукуматимизнинг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилишга оид қонунлардир.

Иқтисодиётга оид қонунлар одатда қийинчилик билан ўтади. Бунга қонун ташаббускорлари билан партия фракцияларидагиларнинг фикрлари хилма-хиллиги сабаб бўлади. Масалан, «Ипотека тўғрисида»ги Қонун муҳокама қилинишида у биринчи марта қайтарилди. Чунки дастлабқонунда ипотека олувчи кредитни расмийлаштириш учун мажбурий тўловларнинг ставкаси ва бошқа камчиликлари кўп эди. Кейин унинг ставкаси камайтирилди, баъзи камчиликлари тузатилди ва қайта муҳокамага қўйилди.

— 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга киради. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз қандай?

— Мазкур Қонуннинг кучга кириши жуда катта сиёсий эркинликларни келтириб чиқаради. Аввалги бир палатали парламентдан фарқли ўлароқ, мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилганидан сўнг партиялар ўртасида ҳақиқий рақобат бошланди. Бу, аввало, парламент қонунчилик палатасининг профессионал асосда доимий фаолият юрита бошлагани билан боғлиқ.

Янги парламент қуйи палатасига демократик шароитларда ўтказилган илк сайлов натижасида ҳеч бир партия мутлақ кўп (50 фоиздан ортиқ) овоз ололмади. Бундай шароитда сиёсий партияларнинг ўз мавқеини янада мустаҳкамлашга интилиши табиий ҳол, албатта.

Халқаро тажрибадан маълумки, дастурий мақсад ҳамда вазифалари, электоратининг хоҳиш истаклари бир-бирига яқин бўлган партиялар ўзаро иттифоқ тузишга ҳаракат қиладилар. Шундай жараён мамлакатимиз парламентида ҳам юз берди. Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Либерал демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари «Демократик блок»ка бирлашдилар. Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ўзини мамлакат ларламентидаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти деб эълон қилиб, мухолифат(оппозиция)да турибди. Бу эса қабул қилинаётган қонунларнинг пишиқ-пухта бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси оппозицияда тургани ва биз юқорида номларини санаб ўтган партиялар фракциялари «Демократик блок»ка бирлашгани билан аслида барчасининг ният ва интилишлари битта — у ҳам бўлса жонажон Ўзбекистонни қудратли, бой-бадавлат, юксак маърифатли дунёвий давлат сифатида ривожлантириш. Бу йўлдаги барча баҳсу мунозаралар, қарама-қарши таклифлар, қонунларни такомиллаштириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар фақат буюк келажак учун хизмат қилади.

— Юқорида Сиз Ўзбекистон Халқ Демократик партияси парламентда мухолифат(оппозиция)да турибди дедингиз. Шу пайтгача бизда оппозиция деган тушунча йўқ эдику?

— Гапингиз тўғри. Юқорида айтиб ўтилган, Президентимиз ташаббуси билан киритилган ва 2008 йил 1 январдан кучга кирадиган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонунда оппозицияга ҳуқуқий мақом берилди. Оппозициянинг мавжудлиги қонунчилик жараёнини бир қарашда бироз мураккаблаштиргандай кўринади. Аслида ундан барча фойда кўради, холос. Яъни, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари қонунларда янада мукаммалроқ ифодаланиши таъминланади.

— Қонунлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан муҳокама қилиниб, Сенатга тасдиқлаш учун юборилди дейлик. Сенат ҳам қонунларга ўзгартиришлар киритишга ҳақлими?

— Сенат қонунларни қайта муҳокама қилиш учун қайтариши ёки шу қонунларнинг муҳокамаси бўйича келишув комиссияси тузиши мумкин. Лекин Сенаторлар қонунларга ўзгартириш киритолмайди.

Сенат қайтарган қонунни Қонунчилик палатаси улар тасдиғига киритмасдан тўғридан-тўғри Президент тасдиғига киритишга ҳам ҳақли.

Ўнта қўмитага бўлинган 120 нафар депутатнинг қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда доимий фаолият юритишининг самараси юқори эканлиги ҳаётда ўз исботини топмоқда. Энди қонунларни қабул қилиш жараёни аввалгисидан бироз мураккаблашган, уларнинг муҳокамасига кўпроқ вақт сарфланмоқда, лекин биз учун қонунларнинг сифати ва мукаммаллиги биринчи даражали вазифадир.

Шунингдек, депутатларнинг назорат-таҳлил фаолияти деган функциямиз ҳам бор. Бунда иш режасидан келиб чиқиб қўмита аъзолари қонунларнинг жойларда қандай ижро этилаётганлигини ва уларнинг ижроси учун нима халақит берaётганлигини ўрганадилар. Бунда депутатлар, айнан қандай қонунларни яратиш, уларга ўзгартишлар киритиш ва эскирган нормаларни чиқариб ташлаш ҳақидаги фикрларни мана шу фаолият давомида ўрганишлари лозим бўлади.

Ҳа, мустақиллигимизнинг энг катта ютуқларидан бири — эркин фикрлашга, дадил ҳаракат қилишга яратилган имконият бўлиб, бу нарса сиёсий партиялар фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда.

Суҳбатдош: Норбўта ҒОЗИЕВ

ҚОНУН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Ромитан туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ромитан туманидаги «27-сонли автокорхона»га нисбатан молиявий жарима қўллашни сўраган.

Хўжалик суди мазкур ишни кўриш жараёнида ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқламай туриб, 2006 йил 7 ноябрь кунидаги ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд йўли билан қўллаш тартиби жорий этилди. Бунда солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек, тадбиркорлик субъекти содир этган ҳуқуқбузарлигига иқрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари мустаснолиги белгилаб қўйилган. Бироқ, суд томонидан ушбу талаблар унутилади.

Чунончи, даъвогар жавобгарнинг бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги, унинг белгиланган тартибни ҳисоблаб чиқарилиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмайдиган даражада бузиб юритганлиги учун солиқ тўловчи юридик шахсдан қўшимча ҳисобланган солиқ, товон ва уларга ҳисобланган жарима ва 5 млн. 690 минг сўмлик тушумларни банк муассасасига топширмаганлиги учун ҳуқуқий таъсир чораси сифатида ундиришни сўраган.

Суд бу ҳолатда даъвогарнинг даъво талабидаги қўшимча ҳисобланган солиқ, товонни ундириш қисми судга тегишли эмаслиги бўйича иш юритишдан тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши, лекин даъвонинг молиявий қўллаш қисми бўйича қаноатлантириши лозим эди.

2006 йил 10 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан Солиқ кодексининг 135-моддаси 4-бандига кўра, бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги, унинг белгиланган тартиби ҳисоблаб чиқарилиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмайдиган даражада бузиб юритилганлиги учун солиқ тўловчи юридик шахсдан айланма сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади. Бунда солиқ тўловчи юридик шахс бухгалтерия ҳисобини қайта тиклаш мажбуриятидан озод қилинмайди.

Суд даъвогарнинг қўшимча ҳисобланган солиқ, товон (пеня) ва молиявий суммасини алоҳида-алоҳида аниқламаган, шунингдек банк муассасасига топширилмаган тушумлар учун молиявий жарима қўллаш 2006 йил 10 октябрь кунида чиқарилганлигига эътибор бериши ва шу асосида қарор қабул қилиши лозим эди. Ҳолбуки, қарор 2006 йил 7 ноябрь куни чиқарилган.

Иш апелляция тартибида кўрилмаган.

Судлов ҳайъати прокурорнинг кассация протестини қувватлаши ҳақидаги фикрини эшитиб, протест важларини муҳокама қилди ва ҳал қилув қарорини ўзгартириш лозимлигини эътироф этди.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорида жавобгарга нисбатан 5 млн. 746 минг сўм молиявий жарима қўлланилган бўлса-да, ушбу молиявий жазо жавобгар содир этган қайси ҳуқуқбузарлиги учун қўлланилганлиги ҳуқуқ нормалари билан асослантирилмаган, ҳавола қилинган моддий ҳуқуқ нормаларининг амалда бўлганлиги негадир ўрганилмаган.

Шунингдек, суд тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини эътиборга олиши керак эди.

Бинобарин, Хўжалик процессуал кодексининг 187, 189-моддаларига асосан, вилоят хўжалик судининг 2006 йил 7 ноябрдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилди.

Даъвонинг 1 млн. 963 минг 800 сўм фойда солиғи, 1 млн. 746 минг 700 сўм қўшилган қиймат солиғи ва улар бўйича 100 фоиз жарима қўллаш, 123 минг 800 сўм экология солиғи, 141 минг сўм инфратузилмани ривожлантириш солиғи, 42 минг 700 сўм мол-мулк солиғи, 13 минг 500 сўм дивидент солиғи, 197 минг 300 сўм нафақа жамғармасига иш ҳақи фондидан ажратиладиган 31 фоизлик тўлов, 15 минг 900 сўм иш ҳақи фондидан ҳисобланадиган 2,5 фоизлик тўлов, 12 минг 400 сўм иш ҳажмидан ҳисобланадиган 0,7 фоизлик тўлов, 4800 сўм йўл фондига мажбурий тўлов, 17 минг 700 сўм мактаб фондини ривожлантириш учун тўлов ва уларга 10 фоиз жарима қўллаш ҳақидаги ва 5 млн. 690 минг сўм пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушумларни банк муассасасига топширилмаганлиги учун шу сумма миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қисми рад қилинди.

Солиқ йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня (устама жарима) ҳисоблаб чиқариш ҳақидаги қисми бўйича иш юритиш тугатилиб, кассация протести қисман қаноатлантирилди.

Алижон КИЛИЧЕВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ҚОНУНГА ЗИД ТУГАТИШ

Тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятларни хавола этувчи қонун ва қонуности ҳужжатлари ўз самарасини бермоқда. Буюк ипак йўли чорраҳасида вужудга келган, азал-азалдан савдогарлар, косибу ҳунармандлар маскани бўлган шаҳримиз мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Кичик бизнес соҳибларининг иқтисодиётдаги микёси сезиларли ўсди. Янги-янги фирмалар вужудга келиб ўз хизматларини таклиф қилмоқда. Ўз навбатида эҳтиёж қолмаган, талабга жавоб бермаётган, иши юришмай қолган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатаяпти. Бозор иқтисодиётида фирмаларнинг муайян қисми ёпилиб, ўрнига янгилари очилиши табиий ҳолдир. Фаолиятини тўхтатган фирмаларни тугатишнинг мезон ва тартиблари қонунчилигимизда, хусусан, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида аниқ равшан белгилаб берилган. Ушбу фармон ижросини ўрганганимизда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари юзага қалқиб чиқди.

— Ҳеч нарса қилганим йўқ.

— Зебо билан сени нима қилсам қиламан! Шунча папалаб, авайласам ҳам барибир... Не-не орзу ҳавасларим бор эди. Барини булғаб, бетига шувабсан!

— Менда нима айб, опажон! — Иффат йиғламсиради. — Мен қайдан билай, бунақа бўлишини?

— Билмаган бўлсанг, энди билиб оласан, — орага суқилди Ойсанам.

Лазокат уни судрагудай бешинчи қаватга олиб чиқди. Эшикни очган Жанона Иффатга ёнбосди.

— Айтдим-у, опа, унинг ҳечам алоқаси йўқ!

— Юм оғзингни, тилингни суғуриб олмай!

Уни устидан қулфлаб, иккаласи пастга тушиб кетишди. Ярим соатлардан кейин Лазокат норғул бир йигит билан кириб келганида Иффатнинг юраги қафасдаги қушдай типирчилади.

* * *

Биринчи қаватда яшовчи Камолиддин Сўпиев оқ ранг «Жигули»нинг рақамини эслаб қолганди.

— Тўйдан кечроқ қайтдим. Подъездимиздан биров қувгандай югуриб чиқиб, мошинага ўтирганига хавотирланиб дарров номерига қарадим. Ўғри-пўғри мани уйимга кирган бўлса... Хотиним болалар билан отасиникига кетганди-да...

Марғилонлик кекса нафақахўр оқ ранг «Жигули»сини жиянига киракашлик қилиб юргани беріб қўйганди. «Жиян» Тоҳир Матлабов оёқ тирамай терговчининг саволларига рўй-рост жавоб берди.

— Лазокат опани бир-икки олиб юрганман. «Клиент»лар бўлса, келиб учрайверинг, деб Ойсанамни таништириб қўйган... Кечқурун иш енгиллаганда бордим. Лазокат опанинг ўзи очди эшикни. Пулини келишдик. Бошқа уйга бошлади. Ёшгина қиз билан холи қолдириб чиқиб кетди. Бунақа ёввойини энди кўришим. Пакетда ароқ, ул-бул бор эди. Ичмадиям, тотинмадиям... Ичинаётганимда меҳмонхонадан ошхонага қочди. Менга яқинлашманг, бўлмаса ўзимни ташлавораман деса жўрттага айтяпти, деган хаёлга борибман. Бунақалигини билганимда...

— Ўзингга ўхшатгансан, ҳаромхариш фаҳмлагансан-да! Бефаросат бўлмасанг, унақалардан эмаслигини сезардинг, — Собиржоннинг ўнг кафти мушт бўлиб тугилди.

— Сездим-у, кеч... Остона хатламасимдан дераза токчасига чиқдию... Яқинроқ турганимда олиб қолардим...

Лазокат айбига иқрор бўлмади. Собиржон Аслонов уни Тоҳир билан юзлаштирганида ҳам танимайман, биринчи марта кўриб турибман буни, деб лабини бурди. Исми жисмига монанд, ибони, иффатни ўлимдан ортиқ кўрган қизнинг акси — Лазокатга ор-номус, шарму ҳаё бутунлай ёт эди.

БИР КЕЧАЛИК КЕЛИН

— Нима бўлганда ҳам энди қиз бола номингни оқлаб олишинг керак, — деди амма бўлмиш Сорахон (исмлар ўзгартирилган) қаршисида безрайиб ўтирган жияни Гулсумга. —Ким юр деса эргашиб кетаверасанми? Сени келин қиламан деб, орзулаганлар қанча эди-ю... Ўша дўхтиринг сени олиб бўпти! Ойласи, болалари бор экан-ку!
Гулсум аммасининг куюниб айтаётган гапларига парво қилмас, ўша ширинсўз, қўли очиқ Очил акасини ўйлар эди...

Тиббиёт коллежини тамомлаган Гулсум иш ахтариб кўп сарсон бўлди. Бир таниш аёл уни катта шифохонада бўлим бошлиги бўлиб ишловчи Очил Иброҳимович билан таништириб қўйди. Уни «яримта» ўринга ишга олди. Очил бошиданоқ унга ғалати қарай бошлаган эди. Кўп ўтмай севги изҳор қилди. «Сен учун оиламдан ҳам кечаман» деди. Негадир бўлим бошлиғига яқин бўлиш унга ҳам хуш ёқди. Очилга ишониб, инон-ихтиёрини унга бериб қўйди... У адашганини, ёмон йўлга кириб қолганини англаса-да, парво қилмай юраверди. Тергайдиган отаси ўлиб кетган. Онаси бозордан ортмайди. Фақат шу аммаси гоҳ-гоҳ тергаб туради...

— Энди нима қиласан? — аммаси унинг елкасидан турди. — Ёшинг ҳам ўтиб қоляпти. Сен тенгилар эрга чиқиб бўлди.

— Очил акам олади мени, унга тегаман! — Гулсум шартта ўрнидан турди. — Яқинда тўйимиз бўлади.

— Мен ҳозир ўша дўхтиринг олдига бориб, нима бўлсам бўламан! — деди амма ҳам жаҳл билан. — Қизболани бузиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман унга!

— Бормайсиз, ишингиз бўлмасин!

— Шу кетишинг бўлса яқинда одамлар сени онанг билан маҳалладан кўчириб юборади, — деди алам билан амма. — Шундай шармандалик керакми сенга?

— Одамлар билан ишим йўқ.

— Сенга ҳали уйланмаган бир йигит топаман, — деди сал юмшаб амма. — Ўшанга тегасан. Укамнинг ҳам руҳи шод бўлади. — Кейин астагина шипшиди. — Қиз чиқишнинг йўлини ўзинг топарсан. Кейин у билан хоҳла яша, хоҳла яшама, ўзинг биласан.

Аммаси кеттач, Гулсумнинг кўнгли алғов-далғов бўла бошлади. Йиғлагиси келди. Ўҳ ам келинчак бўлишни, оппоқ келинлик либосини кийишни орзу қилган эди. Энди шу орзусига етолмаса керак. Очил акаси билан ҳеч қачон «қизил тўй»лари бўлмайди. Негаки у оилали, ёши катта... Пул, ваъда беради, холос. Шаҳар чеккасидаги ижарага олиб қўйган квартирасида бўлиб туришади. Бир ой бурун ҳомиласини олдирди. Очил акаси, «қачонки сенга уйланаман, кейин туғиб берасан», деди. Лекин унга қачон уйланади, билмайди. Тўғриси, у эр сифатида Очил акасидан бошқасини тасаввур эта олмасди...

У сумкасидан қўл телефонини олди. Очил акасига телефон қилди. Ўзича, эрга тегяпман, деб бир қўрқитиб қўймоқчи эди. Очилнинг телефони банд тушаверди...

— Аммам менга эр топибди, энди эрга тегаман, — деди эртаси куни ишда Гулсум Очил акасига нозланиб. — Розимисиз, тегаверайми?

— Ўзинг биласан, тегсанг тегавер, менга барибир, — деди Очил бепарво. — Эринг бўлса янаям яхши, бемалол бўлиб қолади.

— Ўзингиз оламан дегандингиз-ку!

— Ҳозир ҳам хотинимдайсан, яна нима керак сенга? Бор энди, ишингни қил.

...Аммаси айтганини қилди. Гулсумга уйланадиган йигитни топди. У ҳам жияни каби отасиз. Касалманд онаси ва синглиси бор, холос. Шу касалманд она, «келиним шифокор бўлса, менга қараб юрарди» деб орзу қиларди. Йигит уйланиш учун Россияда ярим йилча ишлаб пул топиб келибди. Амма йигитнинг онасига «гулдек жияним бор, ҳамшираллик қилади, ўғлингизга ҳам ёқса керак, шуларни жуфтлаштириб қўяйлик» деганида мойиллик билдиргандай бўлибди. Она ўғлига бу ҳақда айтган экан, «ўзингиз биласиз», дебди.

Гулсумни учрашувга аммасининг ўзи олиб чиқди. Йигитнинг исми Аҳрор экан. Пакана ороқлигини ҳисобга олмаганда келишган йигит... Ҳайрлашаётганларида:

— Онам билан синглимга яхши қараб, бошингизга рўмол ўраб юрасиз, — деди Аҳрор.

Гулсум қирқилган сочини жигарранга бўятиб олган эди. Шу пайт қўл телефони мусиқа чалиб қолди. Очил акаси экан.

— Учрашув қандай ўтди? — деган овоз келди у ёқдан ва хирингланган кулгу эшитилди...

Куз шамоли ёмғирга уланиб кетди. Худди табиат бу тўйга қаршидек... Тўй маслаҳат билан куёв хонадонида бўлаётган эди. Гулсум оппоқ либос кийди, лекин унга келин бўлиб тушаётган лойсувоқли уй ёқмаётган эди. Буни устига Очил акасидан айрилиб қолаётгандек...

У тантиқ қизлардан эди. Аммаси айтганидек, шу йигитга турмушга чиқиб олса, қизбола деган шаъни оқланади. Кейин яна Очил акаси билан юраверади...

— Тушинг пастга, — деди Аҳрор етти қават кўрпача устига тикланган чимилдиқ ичида ўтирган Гулсумга, — чой-пой ичиб олинг.

— Йўқ, — деди Гулсум шартта, — менга тегманг, бўлмаса қочиб кетаман.

— Қаёққа қочасиз, энди эр-хотинмиз—ку! — деди Аҳрор Гулсумнинг хатти-ҳаракатларини келинчак нози деб ўйлаб. Гулсумнинг нияти бузилган эди. Тезроқ тонг отса-ю, бу ердан қочиб кетса, Очил акасини кўрса.

Янги куёвларга хос ҳаяжон ва энтикиш билан Гулсумга қўл узатган Аҳрорнинг муроди ҳосил бўлмади.

— Менга тегманг, — яна такрорлади Гулсум. — Яхши кўрган йигитим бор. Сизга мени аммам мажбурлаб берди. Эртага кетаман.

Аҳрорнинг нафаси ичига тушиб, гапиролмай қолди. Бироз гарангсиб турди-да, кейин жаҳл билан деди:

— Ҳеч қаёққа кетмайсан! Шу уйдан жилиб кўр-чи! Ҳе ўша севганингни... Ким ўзи у?!

Гулсум қўрқиб миқ этмай қўйди. Аҳрор даҳлиз томонга ўтиб кетди.

Тонг қоронғусида Гулсум аста чимилдиқ ичидан чиқди. Келинлик либосини хонадаги чилвирга осиб қўйилган сеп қўйлакларидан бирига алмаштирди. Кейин ўртадаги очиқ эшик орқали Аҳрор ётган тарафга қаради. «Ухлаяпти» деб ўйлади.

Ортига тисланиб уйдан чиқиб кетмоқчи бўлган эди, пол тахталардан бири нобоброқ эканми, қимирлаб кетиб, «тақ» этган овоз чиқди. Аслида тун бўйи оғир ўйлар исканжасида бедор ётган Аҳрор дарров ўрнидан турди. Эшик тутқичини ушлаб турган Гулсумнинг йўлини тўсди.

— Қаёққа кетяпсиз?

Гулсум довдираб қолди. Тилига келган гапни айтди:

— Биттасида пулим бор эди, олиб келаман.

—Ҳозир-а?—ҳайрон бўлди Аҳрор. — Ҳозир пул нимага керак?

— Шу... келин кўйлакни прокатга олган эдим, тўлашим керак.

—Йўқ, икки-уч кун кейин борасан, ёки бирга борамиз, — деди Аҳрор қатъий. — Онам рухсат берса борамиз.

— Врачимга ҳам учрашишим керак, — деб тиҳирлик қилишга ўтди Гулсум. — Бораман дедимми, бораман.

— Бормайсан!

Гулсум йўлида турган Аҳрорни бир итарди-да, ҳовлига чиқди. Ортидан чиққан Аҳрор унинг қўлидан маҳкам ушлади.

—Қўйворинг, қўйвор!..

Шовқинни эшитган Бозорхон ая уй ичидан чиқиб келди.

— Нима гап, ўғлим?

— Келинингиз бир жойга бориб келаман деяпти, — деди Аҳрор қизариб.

—Уят бўлади, қизим. Бир-икки кун ўтсин, эрингиз билан бориб келаверасиз ўша айтган жойингизга. Ҳали чиллаликсизлар.

— Мен билан ишларинг бўлмасин, бораман!

Гулсум қайнонасига ҳам қулоқ солмади. Кўчага қараб қочди. Қайнона ҳайрон бўлиб, сўрига ўтириб қолди. Аҳрор келин ортидан кўчага шиппакда чиққиси келмади. Туфлисини кийиб олиш учун шошиб уй ичига кирди. Кўчага чиққанида Гулсум бир «Дамас»га ўтириб кетиб бўлган эди...

Куёв ва қайнона Гулсумни уйига кетгандир деб уйига боришса у ерда йўқ экан. Онаси:

— Қизимни илми амал қилиб совутишган, — дейишдан бошқа гап айтмади. — Топиб олиб бораман...

Орадан бир ҳафта ўтди. Гулсумдан дарак бўлмади. Куёв ва онаси элдан ҳижолат, кўчага ҳам чиқмай қўйишди. Тўққизинчи кун деганда Гулсумнинг хабари чиқди. Бир шифохонада даволанаётган экан... Аҳрорнинг ундан кўнгли совуб бўлган эди, шифохонага онасининг зўрлаши билан борди. Гулсум уни кўриб хонасидан чиқмади...

Аҳрор суриштириб, Гулсумнинг шифохонага икки кун бурун ётганини билиб олди.

— Етти кун қаерда юрдинг?

— Ишинг бўлмасин, — деди Гулсум. — Сенга хотин бўлмайман!

Бозорхон ая ётиб қолди. Аҳрор аччиқ қисматига тан бериб, фуқаролик судига мурожаат этди. Даъво аризасида, «...Менда жавобгарга нисбатан ишонч йўқолди. Шунинг учун ўртадаги никоҳимизни бекор қилиб, Оила кодексининг 41-моддасига кўра никоҳдан ажратишингизни сўрайман. Чунки биз никоҳдан ўтганимиз билан бир кун ҳам эр-хотин бўлиб яшамадик...» деб кўрсатди.

Суд ўртада фарзанд бўлмаганлиги, янги оила яшаб кетмаганлиги учун даъвогарга ФҲДЁ бўлимига мурожаат этиш лозимлиги ҳақида қарор чиқарди.

Тўғриси, тарбиясиз бир қиз туфайли қунини зўрға кўриб юрган оила хонавайрон бўлди. Бир йигитнинг кўнгли синди. Сарф-харажатлар беҳуда кетди...

Хўш, ким айбдор? Ёшларни айблаш осон. Ҳамма хато ва иллат шу икки ёшни бирлаштирган, ўз манфаатларини кўпроқ ўйлашган катталарда.

Йигит бахтини топиб кетар. Ўз бахтини оёқ-ости қилган қиз-чи?! Бир умрга Очил акасининг ёлғони ичида адашиб қолиб кетмасмикин?..

Қани энди Очил ва унга ўхшаб ёш қизларни алдаб юрганларни судга тортиб, эл-юрт ўртасида шарманда қилиш имкони бўлса... Бундайларнинг ўзлари ҳам қиз ўстиришаётгандир?!

Муҳаммаджон АБДУЛЛАЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори
Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
журналист

СЎНГГИ ЧОРА

ЁХУД ЕТИМ ҚИЗ ИЗЛАГАН НАЖОТ

Шу тобда унинг кўзига ҳеч нима кўринмасди. Эндигина ўн уч ёшдан хатлаган, дунёга келиб ҳаётнинг нелигини ҳали англаб улгурмаган бу қизалоқ барча азоблардан, пешонасига ёзилган тақдирнинг укубатларидан бутунлай безиб, жонидан тўйганди. Бошидан кечираётган кўргуликларга, жабр-ситамларга бир қулоч аркон-у, ёғоч тўсингина нуқта қўядигандек қўлига аркон олиб оғилхонага йўл олди.

Гофуржон (исми ўзгартирилган) турмуш ўртоғи вафот қилгандан кейин ўйлай-ўйлай яна уйланишга қарор қилди. Ахир тўрт болани тарбиялаш, уларнинг овқатига, кийимига қараш эркак киши учун оғирлик қиларди. Айниқса, тонг отгандан то кечгача ишда бўлганлиги боис болалар бутунлай қаровсиз қолишганди.

Шу боис уйланди. Энди у бемалол ишга кетар, ўгай бўлса ҳам она-ку, болаларим қаровсиз қолмаяпти, деб ўйлаб хотиржам бўлганди.

Болалари ҳам ўгай онаси ҳақида ундан кўрқибми ёки ортиқча ғалва чиқмаслиги учунми, дадасига на яхши, на ёмон гап айтишарди. Ишдан ҳар куни чарчаб келадиган Гофуржон ҳам фарзандларидан ҳол-аҳвол сўрашга ҳафсала қилмасди. Унинг назарида оиласидаги вазият рисоладагидек эди.

Аммо ўгай она барибир ўгайлигига борарди. Эри ишга кетиши ҳамоно тўртала болага зуғумини ўтказа бошлар, уларни камситиб, ҳақорат қилар эди.

Бир куни кўшни аёл ўгай онанинг болаларни калтаклаётганига, уларнинг йиғлашаётганига чидай олмай ҳовлига кириб келади.

— Нима гуноҳ қилди булар, дадаси йўқ пайтда калтаклайверасизми, инсофингиз борми ўзи, келин?!

— Калтакламай нима қилай? Мендан сўрамай гуручнинг ушоғини товада қовуриб ейишяпти. Қўшнилар кўриб қолса, ўгай онаси нон бермаяпти деб гап-сўз қилишмайдими?

— Шунинг учун ўриш керакми? Ахир корнини тўйғазиб, тушунтириб қўйсангиз бўларди-ку!

Ўгай онанинг қойишлари, болаларни турли хил лақаблар билан чақириб, камситишлари деярли ҳар куни такрорланарди.

Онасининг эркалашларини, бошини силаб бағрига босишларини соғинган кичкина Дилбар ойиси билан дадасининг бирга тушган суратларини яшириб қўйган жойидан олиб чиқди-да, жавонинг устига, кўзга ташланиб турадиган ерга қўйиб қўйди. Хонага кириб суратга кўзи тушган ўгай онанинг важоҳати бирдан ўзгариб, «ким қўйди буни», дея болаларга ўшқирди. Дилбар эса қўрқа-писа «айби»ни бўйнига олди.

— Сичқоннинг боласи, ҳали жавонга бўйинг етадиган бўлиб қолдими? Мана сенга...

У Дилбарни сочидан судраб ура бошлади.

— Ҳали сенга бу ҳам кам. Шошмай тур. Кўрсатиб қўяман сенга суратнинг қаерда туришини. Янги берилган кийимлар қани? Уларни олиб чиқ. Етимга кийим ярашмайди. Сотиб пулини еб-ичган маъкул...

Ўгай она давлат томонидан Дилбарга берилган кийимларни олдида, уларни сотиб келиш учун чиқиб кетди.

Ҳар куни ҳақорат эшитадиган, очнаҳор юрадиган, бунинг устига энди кийимкечаксиз ҳам қолган Дилбар учун ҳаётнинг қизиғи қолмади. Буларнинг ҳаммасидан қутулиш йўлини излай бошлади.

Гофуржон уйига етиб келганида жажжигина Дилбар бу дунёни бутунлай тарк этганди.

Жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди томонидан ўгай онага қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

У белгиланган жазони ўтар, бир кун келиб ундан қутулар ҳам. Аммо энг олий жазо — виждон азобидан қочиб қутула олармикан?

Ҳикмат АБДУЛЛАЕВ,
Хонқа туман прокуратураси терговчиси
Мирзабек ЖАПОҚОВ, журналист

Болалар — юрт келажаги

«Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга беришга мажбур». 1959 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари декларацияси»нинг бандларида худди шундай сатрларни ўқиш мумкин. Унда болалар учун энг муҳим бўлган тинч-осойишта ва бахтли ҳаётни таъминлаш, ғамхўрлик, меҳр-мурувват кўрсатиш каби инсоний бурч тақозо этадиган вазифалар билан бир қаторда ҳамма учун мажбурий бўлган қонун талаблари ҳам ўз аксини топган. Лекин шунга қарамай, афсуски, жаҳоннинг турли минтақаларида болалар ҳаётига тажовуз, уларни ўғирлаб кетиш, гаровга олиш, хўрлаб ишлатиш, ҳатто катта маблағ эвазига ички органларини пуллаш каби кечирилмас, ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳоллари ҳамон барҳам топмаяпти. Бу каби оғир жиноятларнинг олдини олиш учун эса жаҳон ҳамжамияти тинмай курашиб келмоқда.

Гўдаклар ҳаётига бўладиган ҳар қандай тажовузнинг, хавф-хатарнинг олдини олиш учун унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоғи лозим эди. Шу боис бола ҳуқуқлари тўғрисида бир нечта халқаро ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Болалар ҳуқуқларини илк ва тўлақонли белгилаб берган ҳужжат сифатида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция» ишлаб чиқилди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилда бир овоздан қабул қилинган ушбу конвенция, айтиш мумкинки, «Бола ҳуқуқлари декларацияси»ни тўлдириб, уни янада ривожлантирди. Таассуфки, болаларни ҳимоя қилишга оид бундай кўплаб халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлишига қарамасдан болалардан турли ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари учрайди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлабоқ соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар давлатимиз ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Инсон ҳаётининг асл маъноси — ўзидан қобил фарзандлар қолдириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш экан, жамият, миллат олдида бунда-да масъулиятли вазифа бўлиши мумкин эмас. Негаки, фарзанд ўз-ўзидан соғлом ва бақувват бўлиб туғилмайди. Давлатимизда ижтимоий фаолият Дастурида соғлом авлод, она ва болалар муаммоларига алоҳида урғу берилиши, энг нуфузли мукофотлардан бири «Соғлом авлод учун» деб аталиши, айни шу номда махсус жамғарма тузилиши ва бошқа бир қатор тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шунда.

«Одамзот дунёда жуда кўп касб-ҳунар эгаси бўлиши мумкин, — дея таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов. — Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониши, мол-мулк, бойлик орттириши мумкин. Лекин унинг энг катта бахти, масъулияти, ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмайдиган саодати — бу фарзанд кўриб, ота-она бўлиш бахтидир».

Бундан англашиладики, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар тарбияси — бу йилда бир марта нишонланадиган байрам тадбирлари билан ҳал бўладиган муаммо эмас. Бу иш билан жамиятнинг ҳамма институтлари, ҳар бир фуқаро ҳамиша ва ҳар доим шуғулланиши лозим. Болаларга қараб, балки оналарига қараб ҳам, миллатнинг бугунги даражасини, келажагини билса бўлади. Болалари соғлом юрт ҳамиша навқирон бўлади. Борди-ю улар соғлом бўлиши билан бирга, тўғри тарбия олсалар, меҳнатга, касбга, илм-маданиятга, одоб-ахлоққа, ҳалолликка ўргансалар, ўтмиш аждодлари қолдирган меросдан баҳраманд бўлсалар, бу юрт, бу миллат ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди.

Жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган маълумотга қараганда, Қашқадарё вилоятида яшайдиган 2 млн. 349 минг 334 нафар кишидан 1 млн. 135 минг 46 нафари вояга етмаганлардир.

Дилларида бир олам ниятлари бўлган бу ёшларнинг орзулари ушалиши учун «Мактабга эътибор — келажакка эътибор» шиори остида мамлакатимиз, шу жумладан, вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида, ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий ва муҳташам мактаблар, коллежлар қад ростлаяпти. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат сиёсатига айланди. Таълимдаги ислоҳотлардан руҳланиб, ўғил-қизларимизнинг қалбида илму маърифатга чанқоқлик кучайганлиги кишини қувонтиради.

Вилоятимиз маркази — Қарши шаҳридаги Болалар истироҳат боғи қайта реконструкция қилинди. Унда болаларнинг яхши дам олишлари, жисмоний чиниқишлари ва интеллектуал ривожланишлари учун барча шароитлар яратилган. Митти фавворалардан тиниқ сув отилиб туради. Тош ариқдан оқаётган зилол сув боғ четидаги кўлга бориб қуйилади. Кўлда эса ота-она ва болалар биргаликда сайр қилишлари учун мўлжалланган махсус катамаранлар сузиб юрибди. Муқаддас Ҳадиси шарифда «Қалбинг мулойим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми, унда етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таомингдан уларга едир, шунда дилинг юмшаб, ҳожатинг раво бўлади», дейилган бўлса, бошқа бир Ҳадисда «Тангри наздида уйларнинг яхшироғи — етимлар иззат қилинадиган уйдир» дейилади.

Тақдирнинг аччиқ, бешафқат ўйинлари гирдобида гўдаклигиданоқ меҳрга зор бўлиб қолган болакайларни ўз қучоғига олиб, саховат кўрсатган вилоятимизнинг Қарши, Қамаши ва Китоб шаҳарларидаги Меҳрибонлик уйларида 199 нафар ўғил-қиз учун барча шароитлар муҳайё этилган, болалар меҳр ва эътибор билан қуршаб олинган.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонларнинг ҳар томонлама билимдон ва соғлом бўлиб камол топишларида ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонларнинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳар йили ёзги мавсумда вилоятимизда мавжуд Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари энг сўлим, тоғли ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда бепул дам олишади.

Қамаши шаҳридаги 4-Меҳрибонлик уйида 64 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Улардан 41 нафарининг ҳомий ота-оналари мавжуд. Шунингдек, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини «Шўртангазкимё» мажмуаси раҳбарияти оталиққа олган. Ҳар йили улар мажмуа тасарруфидаги «Лочин» оромгоҳида ёзги таътилни мароқли ўтказишади. Ўтган йили Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 12 нафари Туркиянинг Анталия шаҳридаги «Пинаро» халқаро болалар оромгоҳида дам олиб қайтишган эди. Жорий йилда ҳам мажмуа раҳбарияти Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ёзги таътиллари кўнгилли ўтиши учун барча шароитларни муҳайё этиш ниятидалар.

Вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига яратилган шароит, уларнинг ўқишлари ва тарбияланишлари вилоят прокуратураси органларининг ҳам доимий эътиборида турибди. Бу борадаги ҳуқумат қарорларининг ижроси назорат қилиб борилмоқда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан вилоят ҳокими фармойиш қабул қилди. Унга кўра 26 май — 1 июнь кунлари вилоятимизда болалар ҳафталиги деб эълон қилинди ва амалга ошириладиган тадбирлар режаси тасдиқланди. Ҳафта давомида ниҳоятда ранг-баранг тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Истироҳат боғларида қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади, атракционларда болаларга бепул хизмат кўрсатилади.

Шунингдек, тадбирлар режасидан Қарши шаҳри ва туманлар марказий ўйингоҳларида ёшлар фестивали, бола ҳуқуқлари конвенцияси юзасидан соҳа мутахассислари иштирокида суҳбатлар, мактаблар, коллежлар ва кутубхоналарда ижодкорлар билан учрашувлар, тинчлик мавзуида болалар расмлари кўрик-танловини ўтказиш, вилоятнинг барча кинотеатрларида болалар учун яратилган фильмлар намойишини ташкил этиш ва бошқа тадбирлар ўрин олган.

Маълумки, жорий йил Президентимиз ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йили деб номланди. Бу ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбарига, саховатпеша инсонлар зиммасига катта масъулият юклайди. Биронта ҳам кам таъминланган оила ёки бола эътибордан четда қолмаслиги керак.

Б.ТЎЛАГАНОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Ж.НОРҚОБИЛОВ олган суратлар

Давлат аҳамиятига молик масала

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 44 фоизини вояга етмаганлар ташкил этиб, болаликни ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатда бу борадаги чора-тадбирлар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиб, таълим соҳасини ислоҳ этиш, замонавий бинолар ва жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган ўқув-лабораториялари билан жиҳозлаш борасида катта муваффақиятларга эришилмоқда.

Юртимизда болалар нафақат бошланғич таълим олиш имкониятига эга, балки ўрта маълумот умумий, мажбурий ва бепул ҳисобланади. Аҳоли саводхонлиги даражаси юқори кўрсаткичларга (99,3 фоиз) етган.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар таълимига давлат қаражатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катталиги нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайиб, болалар қаровсизлиги ва назоратсиз қолишининг олдини олиш мақсадида меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг фаолияти тубдан яхшиланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликка муросасизлик муҳитини яратиш борасида давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги яхшиланиб бормоқда. Мамлакат бўйича ўқимай ва ишламай юрган болаларнинг сони ҳамда вояга етмаганлар муҳитида жиноятчилик суръатлари камайишига эришилди.

Бироқ, шунга қарамай, болалар манфаатини таъминлаш бўйича кураторлик тизимини модернизация қилиш ва янги, янада юқори даражага чиқаришни даврнинг ўзи талаб қилаяпти.

Таҳлиллардан кўринадики, вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари ҳамон мавжуд бўлиб, бунга аксарият ҳолатларда оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлмоқда. Ҳар йили 2,5 минг нафардан ортиқ ота-оналар вояга етмаган фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи шахс сифатида профилактика ҳисобига олинмоқда.

Оилавий зиддиятларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганига қарамасдан, оилавий ажримларнинг суръати юқорилигича қолаётгани ачинарли ҳол албатта. Кўпчилик ҳолларда никоҳнинг бекор қилиниши ва яшаш муҳитида рўй берган салбий ўзгаришларга мослаша олмаганликлари оқибатида болалар оиладан кетиб, назоратсиз қолишмоқда.

Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Бош прокуратура томонилан UNICEF (БМТ Болалар жамғармаси) билан биргаликда «Болаларни ижтимоий ҳимоялаш: кураторлик функцияларини такомиллаштириш истиқболлари» мавзусида Тошкент шаҳар прокуратурасида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Мазкур анжуманда болалар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишнинг долзарб муаммолари муҳокама қилиниб, қонунчиликни такомиллаштириш, зарур амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва илғор хориж тажрибаларини оммалаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шерзод ШАРАПОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Бугунги кунда реклама тармоғи жадал ривожланиб, махсус соҳага айланиб бормоқда. Бундан ташқари, реклама ОАВнинг бир йўналишига айланишга ҳам улгурди. Ҳатто олий даргоҳларнинг журналистика факультетлари ўқув дастурига реклама ва эълонларни ўрганувчи «Паблик Рилейшнз ва жамоатчилик билан ишлаш» махсус курси киритилди. Махсус курс бежизга англиялик машҳур рекламашунос олим Паблик Рилейшнз номи билан аталмаган. Унинг реклама соҳасини шакллантиришда ва ҳаётга татбиқ этишда хизмати катта. Бир қанча рекламага оид адабиётлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Реклама ва эълонлар билан ишлаш бўйича етук мутахассисларга зарурат кундан-кунга ошиб бормоқда.

РЕКЛАМА: МЕЪЁР ВА ТАЛАБ

Реклама ва эълонларга доир адабиётларда: «...рекламаларнинг барчаси сифат ва мазмун, яъни техникавий ва маънавий жиҳатдан сифатли, оммабоп ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлгандагина жамоатчиликка тақдим этилиши мумкин», дея таъкидланади. Хўп, шундай экан, бугунги кунда телевидение, радио, матбуот ва интерактив услуб билан кўча-кўй таблоларидаги рекламаларнинг барчасини сифатли дейиш мумкинми? Бу саволга жавоб беришга иккиланасан, ҳар хил мулоҳазаларга борасан киши.

Тўғриси, телевидение орқали намойиш этилаётган баъзи бир реклама ва эълонлар кишининг ғашини келтиради. Масалан, F1 лотореясининг рекламасида бутун экранни эгаллаган бошини икки қўли билан ушлаб ўйга чўмган гавдали бир йигит тасвирланади. Ундан сўнг кадр ортидан «Бахтли бўлишни хоҳлайсизми? Агар бахтли бўлишни хоҳласангиз, «F1» лотореясини сотиб олинг ва «Нексия» соҳиби бўлинг», деган реклама намойиш этилади. Демак, инсоннинг бахти «Нексия» машинаси билан белгиланар экан-да?!

Шунга ўхшаш бемаъно рекламаларни кўча таблоларида ҳам кўришимиз мумкин. Агар эътибор берсангиз, пойтахтимизнинг марказий кўчаларида «Nokia» уяли телефонининг катта таблолардаги рекламасида русча «Дело — не может быть причиной приостановления связи», ўзбекчада эса «Ишлар — мулоқотни тўхтатишга сабаб эмас» деган ёзувнинг ортида ёш она боласини қўлида кўтариб ошхонада овқат тайёрлаётган манзара акс этган. Ўйлаб кўриб, ақлга сиғдиролмайсан киши. Ахир ёш боланинг қорни очганда ёки бола овқат тайёрлаш вақтида қайси она пингини бузмай телефонда гаплашади? Бола тарбиясида меҳр ва эътибор муҳимми ёки телефонда гаплашиш муҳимроқми?

Баъзан телевизор орқали намойиш этилаётган бирон бир кино ёки сериали томоша қилиб, воқеалар кульминациясига келганда «чирт» этиб реклама ёки бир неча рекламалар қўйилади. Бу ҳолат кўпчиликнинг ғашига тегади. Аслида бу каби тижорат эълонлари ва рекламаларнинг кино ёки киносериаллар ўртасида бериб борилишидан мақсад кўпчилик томошабинлар, тадбиркор ва истеъмолчилар манфаати кўзда тутилади.

Реклама́ларнинг сифати ва маъно-мазмунидан ташқари, аксариятида саводхонлик даражаси ҳам мақтагудек эмас. Автобусда икки аёлнинг ўзаро суҳбати кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Мана бу рекламани ғирт саводсизлар ёзганми-а?! — дея қўли билан чорраҳадаги реклама таблосига ишора қилди улардан бири.

Бâланд овозда гапирган бу аёлнинг гапидан сўнг кўпчиликнинг нигоҳи чорраҳадаги реклама таблосига қаратилди. Унда шундай ёзув бор эди: «Фуқароларнинг ўзининг ёнғиннинг олдини олишга масъул». Бунисига нима дейсиз?!

Буни ҳам қўйиб турайлик. Ҳатто баъзи бир олий ўқув юртлари, шифохона, муассаса ёки кўчалардаги стендларда машҳур давлат арбоблари ва олимларнинг ҳикматли сўзларида орфографик хатоларга кўзингиз тушади. Миллат келажагининг баркамоллиги ва саводхонлигига аҳамият кучайтирилаётган бир пайтда мутасаддилар қаергa қараяпти?! Бугун индамасак ёки «бўлаверади» қабилида қўл силтаб қўйсак, тома-тома кўл бўлган бундай камчиликлар жамиятда саводсизликнинг авж олишига олиб келмайдими?!

Биз журналистлар фақатгина ютуқларни эмас, балки камчилик ва муаммоларни кўтариб чиқишда ҳам ғайратлироқ бўлишимиз керак. Майли, журналистнинг ёзган мақоласини ўнта одам ўқимасин. Ҳар қалай бир одам ўқир. У эса ўз мулоҳазасини даврада, жамоада, дўстлари ва оиласига тарғиб қилади. Бундан эса журналистнинг меҳнати зое кетмапти, деган хулосага келиш мумкин. Ҳеч ким эътибор бермайди, ҳеч ким ўқимайди, ҳеч ким парво қилмайди қабилида қараш энг ёмон иллатлардан биридир.

Бу билан ҳамма рекламалар сифатсиз, яхшилари йўқ деган фикрдан йироқмиз.

Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган рекламаларни кўриб қувониб кетасиз. Масалан, «Ёшлар» ва «Ўзбекистон» ТВ каналлари орқали намойиш этилаётган янги нашрдан чиққан китобларнинг сотувга чиққани ёки турли ўқув марказларининг очилгани ҳақидаги рекламалардан одам безмайди. Ҳаётдаги барча янгиликлар сифатли, мазмунли ва қизиқарли ҳолда реклама ҳолатига келтирилиб, жамоатчиликка тақдим этилса, биронта реклама ёки эълон ғашга тегмайди. Бугунги даврда реклама ва эълонсиз кундалик ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. Интерактив журналистиканинг асосий жиҳатларидан бири реклама бўлиб, унинг кундалик ҳаёт учун сув ва ҳаводек зарурлигини тан олиш керак. Янги маҳсулот, нашр, корхона, ускуна ёки тиббий хом-ашёнинг янгисини жамоатчиликка етказиш, қолаверса, жаҳонга танитишда рекламанинг ўрни катта. Фақат ҳар бир реклама саводли, сифатли ва эътиборга молик даражада бўлмоғи лозим. Акс ҳолда цирк ўйинидаги масхарабознинг ҳолати вужудга келади. Одамлар орасида «яхши нарса рекламага муҳтож эмас» деганларини эшитиб қоласиз. Бу фикр бугунги кун учун унча тўғри келмаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Меҳнат қилиб, меҳнатни кўрсата олиш катта санъатдир. Давр талаби ва замон тараққиётининг ўзига хос, зарурий манбаларидан бири рекламадир. Демак, ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим жиҳатларидан бири рекламага эътиборни кучайтириб, шу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва ҳар томонлама сифатни оширишни кечиктирмаслик лозим.

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq» мухбири

Ҳозирлик

Ўқув йили якунига етди. Дарс машғулотларидан толиққан болалар таътилни қўмсашади. Жисмонан ҳордиқ олиш, руҳан тетиклашиш бола организмини чиниқтиради. Хўш, оромгоҳлар фарзандларимизнинг дам олишлари учун шайми? Бухоро вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиги, полковник Ҳаёт Шариповга шу каби бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

Оромгоҳлар мавсумга шай

— Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш жараёнида «Ғамхўрлик — 2007» тадбири асосида бир қатор ташкилий ва профилактик ишлар амалга оширилмоқда.

Оромгоҳларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 2007 йил вилоят ҳудудида ёзги таътил даврида болаларнинг дам олишлари режалаштирилган шаҳардан ташқари 19 та оромгоҳларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати назорат ва мониторинг тартибида ўрганилди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 21 дона газ ва электр асбоблари ишлатилиши таъқиқланди.

Оромгоҳларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодисалар, шу жумладан ёнғинларни бартараф этиш борасида амалий тактик машқ ва машғулотлар ўтказилди.

— Эътироф этганингиздек баъзи оромгоҳлар болажонларни қабул қилишга тайёр эмас экан.

— Тўғри, Бухоро шаҳридаги «Ёш алоқачи» ва «Ёш қурувчи» ёзги болалар дам олиш оромгоҳлари бирламчи ёнғин ўчириш анжомлари билан меъёр бўйича таъминланмаган, бино ёнғиндан дарак берувчи автоматик қурилмалар билан таъминланмаган.

Ромитан туманидаги «Ёш автомобилчи» ёзги болалар дам олиш оромгоҳида ҳам аҳвол шундай.

— Ёзги таътилнинг мароқли ва бехатар ўтиши учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Ёзги таътилни бехатар ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида қуйидагиларга амал қилиш лозимлигини эслатиб ўтамиз: оромгоҳ ҳудудида биноларнинг ёғоч қурилиши қисмлари ёниш тезлигини пасайтирувчи кимёвий суюқлик билан қайта ишланган бўлиши шарт. Маълумки, барча оромгоҳлар электр токи қуввати ёрдамида ёритилади. Шундай экан, ҳудуддаги барча электр сим ва кабеллар ҳимоя қобиқларининг электр токига қарши чидамлилик даражаси синовдан ўтказилиши даркор. Носоз қисмлар ҳамда бошқа турдаги электр манбаалар янгисига алмаштирилиши керак.

Дам олиш мавсуми кечалари ёқилган гулхан атрофида ташкил этиладиган ўйин-кулгулар билан янада қизиқ. Болар болаларнинг мурғак қалбларида улкан таассурот қолдиради. Шунинг учун гулхан ёқиладиган майдон учун жой танлаш лозим. Танланган жой бинолардан узоқроқда ва атрофи қуруқ ҳашак, ёнувчи материаллардан тозаланган, ҳар томонлама хавфсиз жойда бўлиши керак.

Ана шу ишларни амалга оширишда оромгоҳ раҳбарларига жойлардаги ёнғин назорати ходимлари ёрдам берадилар. Бу тадбирлар, балки кимларгадир арзимас бўлиб туюлар, лекин келажагимиз ворислари — болажонлар тақдири бизнинг қўлимизда ва уларнинг саломатлигини тўлиқ таъминлаш бурчимиздир. Оромгоҳларда ёнғинлар олдини олиш эса ана шу бурч ижросининг амалий ифодаси бўлиб қолмоғи керак.

Суҳбатдош: Моҳира ШАКАРОВА

Факт Факт Факт

◆ **Аҳолисининг кўпини болалар ташкил этиши жиҳатидан Кения биринчи, Германия эса энг сўнгги ўринда туради. Кенияда болалар аҳолининг 51 фоизини, Германияда эса бор йўғи 15 фоизни ташкил этади.**

◆ **Дунёда энг кўп тарқалган аёллар исми «Анна» бўлиб, 100 млн. аёл шу исм соҳибасидир.**

◆ **Жанубий Африка Республикасида дунёдаги олтиннинг учдан икки қисми қазиб олинади.**

◆ **Буюк Хитой деворини қоплаб чиқиш учун 15 млн. 840 минг ўрам гулқоғоз зарур бўларди.**

◆ **БМТ маълумотларига қараганда ер юзида бир секундда учта, ҳар куни 250 мингта чақалоқ дунёга келади.**

◆ **Сайёрамиз автомобил эгалари кунига 4,5 млрд. литр бензин ишлатишади.**

◆ **1900 йилда АҚШда 8 мингта автомобил бор эди. 1919 йилда эса бу кўрсаткич 6 млн. тани ташкил этган.**

◆ **Турли давлатларда яшовчиларнинг телевизор олдида сарфлаган вақтлари суткасига: Германияда 182 минут, Францияда 185, Англияда 212 минут, Россияда 224, АҚШда 238, Японияда 240 дақиқани ташкил этган.**

◆ **1998 йилда аҳоли сонига нисбатан ўлим даражаси жиҳатидан энг паст кўрсаткич Осиёнинг Қатар давлатига тегишли бўлган. Шу йили бу ерда ҳар минг кишига 1,6 та ўлим қайд этилган.**

Huquq
yuridik gazeta
Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 455. 19 788 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.30 1 345678